

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

БУХОРО АМИРИ САЙЙИД ОЛИМХОННИНГ ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

Жамолова Дилноза Муйидиновна,
Бухоро давлат университети Бухоро
тарихи кафедраси ўқитувчиси, PhD

For citation: Dilnoza M. Zhamolova. Education reforms of the emir of Bukhara Sayyid Alimkhan. 2019, vol. 1, issue 12, pp. 11-17.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-12-02>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада XX аср бошларида Бухоро амирлигидаги таълим тизимининг аҳволи, Бухоро амира Олимхоннинг таълим соҳасидаги ислоҳотлари ҳамда жаҳидлар ташаббуси билан янги усул мактабларнинг очилиши ҳақида маълумот берилади.

Калит сўзлар: таълим, мадраса, қўшбеги, қозикалон, мударрис, жаҳид, янги усул мактаби, имтиҳон.

РЕФОРМЫ В ОБЛАСТИ ОБРАЗОВАНИЯ БУХАРСКОГО ЭМИРА САЙЙИД АЛИМХАНА

Жамолова Дилноза Муйидиновна,
Преподаватель кафедры Бухарской истории
Бухарского государственного университета, PhD

АННОТАЦИЯ

В данной статье описывается состояние системы образования в Бухарском эмирате в начале XX века, проводимые эмиром Бухары

Алимханом реформы в этой сфере, а также открытие по инициативе джадидов новометодных школ.

Ключевые слова: образования, медресе, кушбеги, казикалян, мударрис, джадид, новометодных школа, экзамен.

EDUCATION REFORMS OF THE EMIR OF BUKHARA SAYYID ALIMKHAN

Dilnoza M. Zhamolova,

Teacher of the Department of Bukhara History
Bukhara State University, PhD

ANNOTATION

This article describes the educational system in the Bukhara Emirate at the beginning of the 20th century, the educational reforms of the Emir of Bukhara and the opening of new schools at the initiative of jadids.

Key words: education, madrasah, kushbegi, kazikalyan, mudarris, jadid, new methodical school, exam.

Ҳар бир давлат ҳукумати халқ фаровонлиги ва мамлакат тараққиётига эришиш учун илм-фанни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Бунинг учун доимий равишда таълим тизимини ислоҳ қилиб, замон талабларига жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлашга ҳаракат қилади. XX аср бошларида Бухоро амирлигининг сўнгги ҳукмдори Олимхон ҳам таълим соҳасида ислоҳотлар ўтказиб, маориф тизимида қатор ўзгаришларни жорий қилди.

Бухоро амири Саййид Олимхон (1910-1920) отаси Амир Абдулахадхон вафот этгач, амирлик тахтини эгаллайди. XX аср бошларида дунёда содир бўлаётган техникавий янгиликлар ва илм-фаннинг жадаллик билан ривожланиб бориши янги ҳукмдорни бефарқ қолдирмади. У жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, таълим тизимида ҳам қатор ислоҳотларни амалга оширди. Мактаб ва мадрасалар фаолиятини такомиллаштиришни давлат сиёсати даражасига кўтариб, бу ишга кўшбеги(1) ва қозикалон(2) ни масъул қилиб қўйди.

Амир Олимхон 1911 йил март ойида “Таълим тўғрисида” фармон чиқарди. Унга кўра, мадраса талабаларига турли ҳошиялар ўқитилмаслиги, тафсир ва ҳадис расмий дарс сифатида ўқитилиши; давлат хазинасига олинган вақфлардан йиғилган пулларга шаҳарнинг турли ерларида мактаблар қуриш ҳамда уларга муаллимлар тайинлаш; мактаб муаллими олим, хушхат ва хушқироат бўлиши; уларга мактабларнинг вақфларидан ташқари давлат хазинасидан йиллик 120 сўм(3)

маош тайинлаш; таҳсил учун болалардан пул олмаслик; мактабларга бир нозир тайинлаш ва у ҳар ой мактабни тафтиш қилиб, амирга ҳисобот бериши белгилаб қўйилган эди [1].

Ушбу фармонининг ижросини таъминлаш мақсадида 1911 йил апрель ойининг бошида Бухоро шаҳридаги барча мактаблар муаллимлари Регистонга чақирилиб, қўшбеги томонидан ҳар бир муаллимга 15 сўмдан маош берилган. Ойлик тарқатилгач, Насрулло қўшбеги муаллимларга қарата қуйидаги мазмунда нутқ сўзлайди: “Муаллим афандилар, ватанимизнинг ёш болаларининг таълим тарбиясига кўб ортиқча диққат этингизлар. Уларни ҳеч вақт урмангиз. Ўқимоққа тарғиб ва ташвиқ учун уларни доимо мактабга муҳаббат этмоғига саъй қилингиз. 1 соат ўқитиб бир неча дақиқа танаффус этдирингиз. Бирдан 3-4 соат ўқитиб уларнинг бошларин қотирмангиз. Зероки, бул тариқа қилсангиз уларда ўқимоқга ҳеч рағбат бўлмай, мактабдан чиқмоқга шошиб турсалар керак. Агар уларга мактабни яхши кўргузмакни хоҳласангиз, мактабга келмоқга ўзлари шошиб турадурлар. Ҳар ўқитган сабоқни енгиллик ила англатиб ўқитингиз. Бола ўқуган сабоқни билиб турса ва бир оз фойдасини фаҳмлаб сабоқни ўқимоқга шавқлик бўладур. Агар биринчи соат қичқуруб-қичқуруб ҳеч бир нарса англамаса, ўқимоқдан безор бўлур. Мана шул тариқа яхши ўқитсангиз йилнинг охирида шогирд болаларда таҳсил самараси кўринса, ул вақтда сизлар ҳам моддий ва маънавий мукофотга етсангиз керак” [2].

Шунингдек, амир мамлакатнинг барча бекликларида мактабларни назорат қилиш ва моддий рағбатлантириш учун вилоят ҳокимларини маъсул қилиб қўйилди.

Амир Олимхон мадраса таълим тизимида ҳам ўзгаришлар қилишга киришади. Унинг буйруғига кўра, 1913 йилда Бухоро шаҳрида янги мадраса қурилади. Мадрасанинг кириш дарвозасининг юкори қисмида қуйидаги жумлалар ёзилган бўлиб, ҳозиргача сақланиб қолган:

“Аллоҳга ҳамду санолар бўлсинким,

Жаҳонни яратган парвардигорнинг лутфи карамидан фикҳ, тафсир ва ҳадис каби фанлар киритиладиган бу беназир макон (жой)ни барпо этиш,

жаҳон султонининг амри билан ниҳоясига етди.

Хаёл кўзгусининг яратилиши яъни қурилиш санасини охириги жумладан изланг.

Бу билим даргоҳини бино қилувчи адолатли шоҳ (амир) Саййид Олимхондир”.

Имом Собиржон Мустофий “Вақт”(4) газетасида чоп этилган “Бу-

хорода мадраса таъсис этилув муносабатила” номли мақоласида мадрасанинг бош мударриси этиб тошкентлик Холмурод афанди тайинлангани, мударрис Садриддин махдум ҳисоб, ҳандаса, фароиз, мударрис Ибодулла Махдум фатво фанларидан дарс ўтгани ҳақида маълумот берган [4]. Мадрасада тафсир, ҳадис, калом, фикҳ, усули фикҳ, ҳисоб, тажвид, тарих фанларидан таълим бериш белгилаб қўйилади [3, Б.198-200].

Мадрасанинг низомномасида бу ўқув муассасасида таҳсил олаётган ўқувчининг иккинчи мадрасада ўқиши таъқиқланиб, ҳар йили таҳсилнинг охирида талабаларни имтиҳон қилиш қатъий белгилаб қўйилган.

Мадраса ташкил этилган вақтда унга фақат бухороликларни таълим олишига рухсат берилган бўлиб, кейинчалик четдан келган ўқувчилар ҳам қабул қилинган. “Вақт” журналига Бухородан келган бир мактубда 1915-1916 ўқув йилида татаристонлик Исҳоқ Сайфиддин мадрасага таҳсил олиш учун қабул қилинганлиги қайд этилган.

Амир Олимхон бу мадрасани ташкил этиш ҳақида қўшбеги номига буйруқ чиқарганида мулла Қамариддиннинг таъсири остидаги бир неча муфти ва беклар мадрасани ташкил этилишига қаршилиқ қилдилар. Улар мадрасада дунёвий фанларнинг ўқитилишига кенг ўрин ажратилганидан норози бўлиб, бу масалада Бурҳониддин қозикалон(5) га мурожаат қилишган. Қозикалон бу ишнинг бошида шахсан амирнинг ўзи турганини айтиб, уларнинг норозилигига чек қўйган [5].

Амир Олимхоннинг мадраса таълим тизимида оид ислоҳотлари ҳақида кейинчалик Фитрат қуйидагиларни ёзади: “Миллатимизни кишанлаб, ортга тортаётган, беътиборлик, хорлик томир-томирига сингиб кетаётгани, буларнинг барчаси беилмлигимиздан эканлигини минглаб далил ва исбот билан айтдик. Бу беилмлигимиз ўз навбатида мадраса ва мактабларимиздаги дарс усулларининг бузилиши, беинтизомликни келтирмоқда. Қўлимиздан келганча йўл-йўриқ кўрсатдикки, бундан буён ҳозирги ижтимоий қонунлар, замон тақозосича мактаб ва мадрасаларимизни ислоҳ қилмас эканмиз, ҳаёт муҳофазаси, миллият шарафимиздан ожиз қоламиз. Камоли шукр айтиш билан шуни иқрор қилурмизки, бу барча холисона фарёд кўтаришларимиз тамоман бетаъсир кетмади.

...Шу кунларда жаноби олий шикоятларимизнинг бошқа бир қисмини назари эътиборга олиб, Бухоро мадрасалари ислоҳи учун лозим бўлган дастлабки қадамни лутфан қўйдилар. Шу тариқаки, лозим илмлар тадриси учун янги бир мадраса бино қилдилар... Бундан буён Бухорога иқтидо қилиб, ўз мадрасаларини ислоҳ ниятидалар. Бугунги

кунгача биз диний илмларни ҳосил қилмоқ учун узоқ шаҳарларга сафар қилган бўлсак, энди ўз ватанимизда ўқийдиган бўлдик. Бинобарин, бу инъом жаноби олийларининг диндорона инъомларини қалб самимияти билан муборакбод этамиз” [6, Б. 199].

1913 йил сентябрь ойининг бошида Бухоро шаҳрида янги типдаги 3 бўлимли: ёзиш, ҳисоб хонаси ва қироатхонадан иборат мактаб биносини қурилиши бошланиб, унга биринчи ғиштни қозикалоннинг ўзи қўйган [7]. Ўша йилнинг октябрида Насрулло қўшбеги ва Бурҳониддин қозикалон барча мадраса мударрисларининг фаолияти ўрганиб, ахлоқий жиҳатдан етук ва билимли мударрисларни мадрасаларда таҳсил беришга лойиқ деб топганлар ва нолойиқлари ишдан четлаштирганлар [8, Б.245-246].

1913 йилдан бошлаб, Бухоро амирлиги ҳудудида жаҳид мактаблари очила бошлайди. Дунёвий билимлар беришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган бундай мактаблар тез орада халқ орасида шуҳрат қозонади. Аммо анъанавий мактаблар фаолияти тарафдори бўлган уламолар янги усул мактабларига қарши чиқадилар. Бунинг учун Амир Олимхоннинг шикоятларни қабул қилиш кунидан устамонлик билан фойдаланадилар.

Бухоро амири Саййид Олимхон ҳукмронлигининг дастлабки кунлариданоқ халқнинг шикоятлари ва таклифларидан хабардор бўлиб бориш мақсадида Аркнинг кириш дарвозаси ёнида шикоятлар қутиси ташкил қилган. Аммо бу етарлича натижа бермагач, ҳар жума кун Масжиди Калонга пешин намозини ўқишга бориш ҳамда қайтиш пайтида халқнинг арзлари ёзилган хатларни шахсан қабул қилган. Хатларни бирма-бир кўриб чиқиб, унинг ижросини таъминлашни тегишли амалдорларга йўналтирган. Янги усулдаги мактабларни ёпишни сўраб ёзилган ариза ҳам шулардан бири эди. Амир Олимхон хатни кўриб чиқиб, Насрулло қўшбегига Бухоро шаҳрида очилган 3 та жаҳид мактабини вақтинчалик ёпиб қўйишга буйруқ беради [9, Б.934-936]. Бу мактабларнинг ёпиб қўйилишидан халқ норози бўлади. Шунда амир: “Боғланиш мактабларининг муаллимлариға ва буларда ўқийтурган болаларнинг ота-оналариға эълон этилсунки, мактабларнинг боғланганлигиға ҳазин бўлмасинлар! Мен аввал мактабларни ҳукуматдан рухсатсиз ҳолда ишлагани учун вақтинча ёпдурдим. Тездан Бухорода янги мактабларни очдирмоғлигимга амин бўлсунлар!” [10, Б.1059] деб, қўшбегига бу гапини халққа етказишини амр қилади.

Аммо амир янги усулдаги мактабларни очишга расман буйруқ бермасанда, тез орада Бухоро амирлигида бундай мактаблар сони 45 тага етади [11, Б. 3].

Бухоро амири Олимхон давлат раҳбари сифатида мамлакатнинг барча соҳалари ислоҳига оид фармонлар чиқариб, уларни амалда тадбиқ этишга ҳаракат қилган. Айниқса, таълим тизимига алоҳида эътибор қаратиб, мактаб ва мадрасалар ўқув дастурларига дунёвий фанларни киритишни шарт қилиб қўйган. Таълим тизимини давлат хазинаси ҳисобидан молиялаштириб, муаллимларга маош беришни жорий қилган. Янги мактаб ва олий таълим берувчи мадраса очдириб, уларнинг фаолиятини шахсан ўзи назорат қилган. Амир Олимхон Европа ва Осиёнинг ривожланган давлатларидан мамлакат ҳудудига кириб келаётган таълим тизимига оид ўзгаришларга ижобий муносабатда бўлиб, дунёвий фанларни ўқитилишига қаршилиқ қилмаган. Хуллас, ҳар бир давлат ҳукмдори каби Амир Олимхон ҳам мамлакатининг таназзулидан эмас, тараққиётидан манфаатдор эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бухоро (“Вақт” газетасидан олинган) // “Таржимон”, 1911 йил 18 март. № 12. (Bukhara (taken from the newspaper “Vaqt”) // “Tarjimon”, March 18, 1911. No. 12).

2. Бухородаги янгиликлар // “Туркистон вилояти газети”, 1911 йил 11 май. - № 35. (News in Bukhara // "Turkiston viloyati gazet", May 11, 1911. No. 35).

3. Фитрат. Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари // “Ойина”, 1915 йил 30 январь. - № 8. (Fitrat.Reformed steps of the Bukhara government) // “Oyina”, January 30, 1915.No. 8).

4. Имом Собиржон Мустофий. Бухорода мадраса таъсис этилув муносабатила // “Вақт”, 1915 йил 24 декабрь. - № 1948. (Imam Sabirjon Mustafi. A madrassah was founded in Bukhara // "Vaqt", December 24, 1915. No. 1948).

5. Имом Собиржон Мустофий. Бухорода мадраса таъсис этилув муносабатила (Imam Sabirjon Mustafi.A madrassah was founded in Bukhara).

6. Фитрат. Бухоро ҳукуматининг ислоҳкорона қадамлари. (Fitrat.Reformed steps of the Bukhara government).

7. Бухоро (“Вақт” газетасидан олинган) // “Таржимон”, 1913 йил 25 октябрь. № 236. (Bukhara (taken from the newspaper "Vaqt") // “Tarjimon”, October 25, 1913. No. 236).

8. Бухорода муҳим қарор // “Ойина”, 1913 йил 28 декабрь. - № 10. (An important decision in Bukhara // "Oyina", December 28, 1913. No. 10). Бухородан қорахабарлар // “Ойина”, 1914 йил 12 июль. № 38. (Black messages from Bukhara // "Oyina", July 12, 1914.No. 38).

9. Бухоро хабарлари // “Ойина”, 1914 йил 23 август. № 44. (Messages from Bukhara // "Oyina", August 23, 1914.No. 44).

10. ЎзР МДА, И-2 фонд, 1-рўйхат, 268-иш. (CSA RUz, I-2 fund, inventor 1, case 268).

11. ЎзР МДА, И-461 фонд, 1-рўйхат, 1919-иш. (CSA RUz, I-461 fund, inventor 1, case 1919).

1. Қўшбеги (вазири бузрук) — Бухоро амирлигида бош вазир лавозими бўлиб, давлатнинг барча бошқарув идоралари унга бўйсунган.

2. Қозикалон — Бухоро амирлигида давлатнинг олий қозиси бўлиб, амир аралашмайдиган барча қозилик ишларига раҳбарлик қилувчи олий давлат лавозими.

3. Газета мақоласида айнан сўм атамаси келтирилган.

4. “Вақт” газетаси — Оренбургда 1905 йил (ҳижрий 1324 йилнинг мухаррам ойининг 11-санаси)дан бошлаб чиққан кундалик сиёсий ва адабий газета.

5. Қозикалон Бурҳониддин — қозикалон Бадриддиннинг ўғли бўлиб, Амир Олимхон даврида Бақохўжа ўрнига қозикалон мансабига тайинланган. Унга қадар Чоржўй вилояти қозиси (1919-1912) лавозимида ишлаган.